

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 01

«26» март 2022 й.

Қарши ш.

SERQUYOSH KELAJAK BINOLARI ХК, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Р.Э.Сафаров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази(корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор Т.Б.Расулов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1.ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан таъмирлаш ишларини бажаришни, “Буюртмачи” бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Ушбу шартноманинг умумий сўммаси 478 000 000 (турт юз етмиш саккиз миллион) сўмни, олдиндан тўлов 143 400 000 (бир юз кирк уч миллион турт юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. “Буюртмачи” томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 478 000 000 (турт юз етмиш саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши “26” 03. 2022 йил.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаш вақти “31.”12. 2022 йил.

3.ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатда амалга оширилади.
- 3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни “Пудратчи” олгандан сўнг таъмирлаш ишларин бошлайди.
- 3.3. “Буюртмачи” томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида “Пудратчига” га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.4. Таъмирани тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобганликни ўз зиммасига олади.
- 3.5. Таъмирани тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Буюртмачи” таъмирлаш ишларини бошлаш учун “Пудратчи”га шартнома нархининг 30% ёки 143 400 000 (бир юз кирк уч миллион турт юз минг) сўм аванс тариқасида маблағни кўчиради.
- 4.2. “Буюртмачи” тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.
- 4.3. “Пудрат” ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган сўммадан ошиқча бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5.ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси 478 000 000 (турт юз етмиш саккиз миллион) сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқори келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкilotларни жалб қилади.
- 5.3. Агар мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:
 - таъмирлаш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0.5% миқдорида;
 - кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан ___% миқдорида;
 - ундан кейинги муддатлар учун ___% миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, “Буюртмачи” хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг тўланмаган нархини 0.4% миқдорида “Пудратчи” га жарима тўлайди.

6.2. “Буюртмачи” таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. Буюртмачи тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани “Пудратчи” билан биргаликда тузади.

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган хар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома хар иккала томондан имзоланган кундан бошлаб қонуний қонуний юридик кучга эга. Шартнома амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгача.

9. БОШҚА ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

SERQUYOSH KELAJAK BINOLARI XK

(ижрочининг номи)

Манзили: Карши ш Наво 71

Тел.факс: 91 320 8008

Х/р: 20208000800462327001

Банк: Ипотека банк Кашкадарё ф

МФО: 00190 ИНН: 303208250

ОКОНХ: 61110


Рахбар: В.Э.Сафаров

(Ф.И.О)

(имзо)

М.Ў.

Хуқуқшунос



“БУЮРТМАЧИ”

Вилоят куп тармокли тиббиёт маркази

(буюртмачининг номи)

Манзили: Карши ш И.Каримов 413

Тел.факс: 75 226 03 04

Х/р: 100021860104017073101054006

Банк: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 202446008

ОКОНХ: 86100

Директор: Т.Б.Расулов

(Ф.И.О)

(имзо)

М.Ў.

Т. Зоирова
(Ф.И.О)

